

Фикҳул-муқорин ва унинг зарари



15:35 / 07 февраль 622

Бир йигит: «Ҳозирги кунда атрофимиздаги ҳамма тўрт мазҳаб бўйича фатво беряпти, а?» деб қолди. Мен шундай дедим: «Улар фатво беряпти эмас, тўрт мазҳабга нисбатан ёлғон гапиряпти, чунки бунинг иложи йўқ! Уларнинг тўрт мазҳабдан қиладиган нақли ҳам ҳаргиз саҳиҳ чиқмайди!

Энди иккинчи масалага – фикҳул-муқорин^[1] масаласига ўтамыз.

Ўтган суҳбатларимизда «фикҳул-муқорин» деган бу илмнинг қанчалик ёмон, зарарли эканига ишора қилиб ўтган эдик, 20-асрда мусулмонларга энг кўп зарар етказган илм мана шу фикҳул-муқорин илми, деган эдик. Табиийки, бу нарсa ташаддуд эмас, таҳаллулчиларга бориб тақалади. Ҳа, биринчи навбатда ўшаларга бориб тақалади. Бу ғояни илгари суриб, ташаббус қилганлар ана ўшалардир.

Хўш, бу илмнинг оқибатида қандай зарарлар кўрдик?

Бу нарсанинг энг катта зарари шуки, у тўрт фикҳий мазҳабнинг ўрнига ўринбосар бўламан деб келди! Охир-оқибат, кундан-кунга институту университетларда мазҳабга асосланган дарслар йўқолиб, уларнинг ўрнини фикҳул-муқоринга асосланган таълим эгаллаб боряпти.

Хўш, нима учун шундай бўлди? Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби илмнинг кучсизлиги! Ҳа, мазҳабни маҳкам ўрганмоқчи бўлган одам қаттиқ жидду жаҳд қилиши керак! Илмий ибораларни ўқиши керак, таҳлил

қилиши керак, илмий қоидаларни чуқур ўрганиши керак. Лекин фикҳул-муқорин йўлидан кетмоқчи бўлганлар бундай чуқур таълим олиши шарт эмас. Бутун бошли фикҳ дарси тарихий қисса ва ривоятларга айланиб қўя қолади. Ҳа, илмий гаплар эмас, тарихий гап-сўзларга!

«Фалончи айтган, пистончи бундай деган!», «Фалончи бунақа деган, лекин рожиҳи Пистончининг гапи!», «Мен буни бундай тушунаман!», «Менинг фикрим бундай», деган гапларни айтса бўлди. Ҳеч қанақанги илмий изланиш, чуқур тайёрланиш ва умуман, тушунишингиз ҳам шарт эмас!

Хўп, унда нега бу нарса бунчалик оммалашиб кетди? Қандайдир қийматга, вазнга эга бўлгани учун оммалашгани йўқ! Балки дангасалик, илмий саёзлик туфайли шундай бўлди! Жиддий ўтириб, қаттиқ тиришқоқлик билан илм олиш йўқлиги учун!

Бўлмаса, ақли бор одам бунинг арзирли нарса эмаслигини осонгина ажратади-ку! Дин мана шундай ўйинчоқ бўлиб кетавериши ақлга сиғадими?!

Масалан, мен ўзимни яхши биламан, ҳолатимдан хабардорман, лекин ўзимча диний аҳкомларни ўйин қилиб, ўзгартириб, яна хоҳлаган гапимни айтиб юраверишим мумкинми?! Мана шу нарса дин бўлиши ақлга сиғадими?

Хўп, майли, агар сен мана шу даъвоингда ҳақ бўлсанг, яъни манҳажингга кўра барча фикҳий мазҳабларни муқорана қилиб, солиштириб, идеал фикҳ яратган бўлсанг, демак, сен ҳанафий мазҳабини ҳам, шофеъий мазҳабини ҳам, моликий мазҳабини ҳам, ҳанбалий мазҳабини ҳам буткул ўрганиб чиққан бўлишинг керак. Шундан кейин уларни солиштирган бўласан-да... Лекин улардан биронтасини ўрганиб, яхши ўзлаштирмаганингни ўзинг ич-ичингдан билиб турибсан-ку!!! Уларнинг илмий ибораларидан биронтасини тушунишга кучинг етмаслигини ҳам яхши биласан. Агар фикҳий матнларни фаҳмлай олганингда, бу фикҳул-муқорин йўлини тутмаган бўлардинг. Лекин бу қўлингдан келмай, фикҳни тушуна олмаганингдан кейин, мусулмонларни алдашда, илм толиблари билан ўйнашишда бояги ғоя сенга жуда қўл келди! «Фалончи бундоқ деган, Пистончи ундоқ деган», дейишни восита қилиб олдинг!

Қани, менга айт-чи, ўша фалончи-пистончиларнинг бу қавлини қаердан олдинг? Уламоларнинг мазҳабда эътимод қиладиган манбаларини кўриб, уларни ёдлаб, кейин шу гапни айтяпсанми? Ёки буни ҳадисларнинг

фиқҳига тегишли умумий китоблардан топиб олдингми?! Ёки ихтилофлар ҳақидаги китобларданми? Ёки Жазирийнинг «Тўрт мазҳаб фиқҳи» деган китоби бор, ўша китобдан олдингми бу гапни?

Хўп, айт-чи, Саййид Собикда ҳанафий мазҳабига тегишли бирорта масалани нақл қиладиган салоҳият борми? Кейин сен ундан нақл қилиб гапирсанг, тўғри гапирган бўласанми? Жазирий ҳанафий уламоларнинг гапларини нақл қилишда ишончлими? Билсангиз керак, булар китобларида фиқҳий мазҳаблардан бирон нарсани нақл қилганда тўғри гапларидан кўра хато қилган гаплари кўпроқ ҳисобланади!

Демак, сен тўрт мазҳабга кўра фатво беришни, тўрт мазҳабдан умумий дарс беришни даъво қиладиган экансан, агар гапинг ёлғон бўлмаса, сен буларнинг ҳаммасини тўлиқ ўрганиб чиққан бўлишинг, мазҳабларнинг қавллари тўғри нақл қила оладиган даражада мустаҳкам эгаллаган бўлишинг керак! Бунинг эса иложи йўқ, чунки биргина мазҳабни тўлиқ тушуниш, уни пухта ўзлаштириш учун бутун умринг етмайди!

Бугунги кунда бундай даражага етган бирорта одамни топа олмаймиз. Бугун эмас, ҳатто охириги бир неча асрда ҳам бир мазҳабни тўлиқ ўзлаштирган олим бўлмади! Бошқаларга нисбатан чуқурроқ ўзлаштирганлар бор, бундай одамлар бўлиши табиий, лекин бир мазҳабни тўлиқ эгаллаш амримаҳол! Шундай экан, манавилар қандай қилиб бу гапларни айтиши мумкин?!

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

[1] Фиқҳул-муқорин – фуқаҳоларнинг қавллари, далиллари ва далилларнинг баҳсларини ўрганадиган, мазҳаб соҳибларидан холи равишда ва усулларга суянмасдан бу қавллар орасини таржиҳ қилиш билан шуғулланадиган илм.

?????????? ?????????????? ??? ?????? ?????? ??????????? 2024 ??? 16
?????????? 03-07/2009-????????? ?????????? ??????????????.